

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАТТОРОВ БАХТИЁРЖОН АБДУҒАППОР ЎҒЛИ**

**УЗУМНИНГ ХЎРАКИ НАВЛАРИНИ САҚЛАШДА ҲИМОЯ  
ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

**06.01.11 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

УЎК: 664.8+62+576.8+633.2

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

<b>Абдусатторов Бахтиёржон Абдуғаппор ўғли</b> Узумнинг хўраки навларини сақлашда ҳимоя воситаларидан фойдаланишни илмий асослаш .....	3
<b>Абдусатторов Бахтиёржон Абдуғаппор угли</b> Научное обоснование использования защитных средств при хранении столовых сортов винограда.....	19
<b>Abdusattorov Baxtiyorjon Abdugoppor ugli</b> Scientific justification of the use of protective agents in the storage of table grape	35
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАТТОРОВ БАХТИЁРЖОН АБДУҒАППОР ЎҒЛИ**

**УЗУМНИНГ ХЎРАКИ НАВЛАРИНИ САҚЛАШДА ҲИМОЯ  
ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

**06.01.11 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx679 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Азизов Ақтам Шарипович**

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Додаев Қўчқор Одилович**

техника фанлари доктори, профессор

**Умидов Шавкат Эргашевич**

қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Академик М.М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «06» декабрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№547110-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2022 йил 22-ноябрь куни тарқатилди.  
(2022 йил «22-» ноябрдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

**Э.Т. Бердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к/х.ф.д., профессор

**М.З. Холмуротов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.ф.д. (PhD), доцент

**С.А. Юнусов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда кунда дунё бўйича 72 млн тоннадан ортиқ узум етиштирилса, шундан 26,5 млн. тоннаси хўраки узум ҳисобланади. Шу жумладан, “2021 йилда Хитойда 11,2 млн тонна етиштирилиб, шундан 330 минг тоннаси экспорт қилинган, 2,3 млн тоннаси сақланган, Ҳиндистонда 2,9 млн тонна етиштирилиб, шундан, 280 минг тонна экспорт қилинган, 300 минг тонна сақланган, Туркияда 1,9 млн тонна етиштирилиб, шундан 230,1 минг тонна экспорт қилинган, 430 минг тонна сақланган”.<sup>1</sup> Ўзбекистонда эса “2021 йилда 1,8 млн тонна узум етиштирилган, шундан 175 минг тоннаси экспорт қилинган, 378 минг тонна сақланган”.<sup>2</sup> Умумий етиштирилган ҳосилнинг камида 18-20 % қисми сақлаш жараёнларини тўғри амалга оширилмаганлиги туфайли исроф бўлмоқда. Шу сабабли узумни сақлаш технологиясини тадқиқ қилиш ва илмий асослаш долзарб ҳисобланади.

Дунёда узумни сақлаш бўйича кўплаб ишланмалар ишлаб чиқилган. Бу тадқиқотлар асосан асосан узумни қисқа муддатли сақлашга қаратилган. Айниқса, Ҳиндистон, АҚШ, Хитой олимлари томонидан узумни сақлашнинг турли усулларда сақлаш бўйича бир қатор ютуқларга эришилган. Жумладан, узумга олтингурут ангидриди билан ишлов бериш, сақлаш жараёнида озон гази билан ишлов бериш каби бир қатор усуллар илмий асосланган. Бу тадқиқотларда асосан узумни 30-45 кун давомида сифатли сақлаш устувор вазифа этиб белгиланган. Ўзбекистон шароитида узумни 90-120 кун давомида сифатли сақлаш, шу билан бирга қадоқлаш воситаларини самарали қўллаш муҳим вазифа ҳисобланади. бу йўналишда олиб борилган илмий изланишлар етарли эмас. Айниқса, узумни сақлаш жараёнини сифатли амалга оширишда замонавий қадоқлаш воситаларни қўлланилиши ишлаб чиқаришда кенг жорий этилаётган бўлса-да, илмий жиҳатдан кам ўрганилган.

Республикамизда сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва экспорт салоҳиятини тубдан оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш қаратилган III бобининг 30-мақсадида ҳам қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш белгилаб қўйилган бўлиб, бунда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш долзарб вазифа сифатида қайд этиб ўтилган”.<sup>3</sup> Узумни сақлаш

<sup>1</sup> <https://www.statista.com/statistics/237600/world-grape-production-in-2021-by-region/>

<sup>2</sup> <https://yuz.uz/news/2021-yilda-qaysi-hududda-eng-kop-uzum-etishtirilgan>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони

жараёнини илмий ёндошилган ҳолда амалга ошириб, совуқхона хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш юқоридаги вазифа ижросини таъминлашдаги муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ-20-сон “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиklarининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5200-сон “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, шунингдек, ушбу фаолиятга тааллуқли меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг», V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг бир қатор мамлакатларида хўраки узум ҳосилини сифатли сақлашни ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот ишлари кенг ривожланган. Ушбу йўналишда Америка Қўшма Штатларида К.Е.Nelson, С.Н.Crisosto, D.A.Garner, J.L.Smilanick, Мексикада М.У.Elhadi, А.Р.Domingues, Бразилияда S.M.Ahmed, Туркияда В.А.Basinal, Россияда А.В.Гудковский, И.Р.Шаззо Исроилда А.Т.Lichter каби олимлар томонидан сақлашга мўлжалланган хўраки узум навларининг терим муддатларини аниқлаш, қадоқлаш тизимлари ва воситаларини илмий асослаш, дастлабки совитиш ва бошқа совуқ занжир технологик жараёнлар кетма-кетлигига доир илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Марказий Осиё давлатларида совиткичли омборларда узумни сақлаш бўйича дастлаб К.К.Алехин, Ж.Н.Бабушкин, Н.Й.Болдырев кейинчалик Н.П.Бузин, А.З.Гецусов, Ф.Ф.Давитая, М.С.Щуравель томонидан турли тупроқ-иқлим шароитларида узумнинг сақлашга чидамли навларини етиштириш ва бу жараёнда агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ташкил этиш тамойиллари яратилган. Бироқ сақлаш учун мақбул бўлган хўраки узум навларини танлаш ва уларни қадоқлаш тизимлари бўйича илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган. Ўзбекистон шароитида етиштирилган узум маҳсулотларини турли усулларда қайта ишлаш орқали майиз ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш сақлашга мўлжалланган хўраки узум навларини танлаш, уларни сифатли етиштириш, сақлаш технологиялари бўйича М.Мирзаев, Х.Ч.Бўриев, Ж.Р.Файзиев, З.С.Искандаров, А.Ш.Азизов, М.И.Одинаев ва бошқа олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган. Муаммони ўрганиш жараёнида хўраки узум навларининг

сақлаш учун терим муддатларини аниқлаш, теримни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш, мақбул қадоқлаш тизимлари ва воситаларини илмий асослаш, дастлабки совитиш жараёни ҳамда маҳсулотни таркибидаги биокимёвий моддаларни сақлашдан олдин ва кейин ўзгариши ва бунга таъсир кўрсатувчи муҳит омиллари тадқиқ қилинмаганлиги аниқланди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Америка қўшма штатларининг қишлоқ хўжалигида қиймат занжирини ривожлантириш USAID лойиҳаси №US-2018090112 “Республиканинг турли минтақаларида етиштирилган узум навларини сақлашни тўғри ташкил этиш орқали экспорт салоҳиятини ошириш” мавзуси асосида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** хўраки узум навларини сақлашдан олдинги жараёнларни такомиллаштириш, самарадорлиги юқори бўлган узум ҳимоя воситаларини танлаш орқали сақлашнинг мақбул технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

узумни сақлаш учун оптимал терим муддатларини белгилаш ва қадоқлашда турли воситаларни қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш;

узумни сақлашни ташкил этишда дастлабки совитишга таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш ва бу жараёни самарали ташкил этиш технологиясини ишлаб чиқиш;

узумни сақлаш давомида турли ҳимоя қоғозларини маҳсулот кимёвий таркиби ва органолептик хусусиятларига таъсирини таҳлил қилиш;

ҳимоя воситалари ичидан микроорганизмлар ривожланишини бартараф этиш бўйича энг самарадорини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида узумнинг “Ҳусайни”, “Тойфи”, “Кишмиш” хўраки навлари, уларни сақлашдан олдин қадоқлаш жараёнида фойдаланиладиган “Grapage”, “Protoku”, “Osku-Vid”, “Himsa”, “Kexian” “GULU” узум ҳимоя қоғозлари ва қўшимча ҳимоя воситалари, замонавий совиткичли омборлар ва Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси қошидаги “Лаборатория сақлаш камераси” қурилмасининг тажриба нусхаси танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** узумнинг “Ҳусайни”, “Тойфи”, “Кишмиш” хўраки навларини сақлаш учун терим жараёнлари, SO<sub>2</sub> газини ажратиб чиқарувчи узум ҳимоя қоғозларининг сақлаш жараёнига таъсир механизми, турли қадоқлаш тизимлари ва навлар доирасида узум сифат кўрсаткичларига, табиий йўқотиш даражасига, сақлаш жараёнида юзага келувчи турли микроорганизмлар ривожланишига кўрсатадиган таъсири ва узоқ муддат сақлаш давомида совуқхона нисбий намлиги, ҳарорати ва ҳаво айланишини бошқариш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Узум мевасининг шарбати таркибидаги қанд миқдори “Ареометрик” ва “Рефрoктометрик” услублар ёрдамида, қурук

моддалар миқдори “Халқаро метрология ва сертификация” кенгаши томонидан қабул қилинган ISO 2113-2013 ГОСТи бўйича, фаол кислота миқдори 26188-2016 ГОСТи бўйича, узум таркибидаги нитрат миқдорини аниқлаш 34570-2019 ГОСТи бўйича, узумни сақлашгача ва сақлашдан кейинги таркибидаги моно ва дисахаридлар, органик кислоталар, пектин моддалари-карбазол усули билан; витамин С - КИОЗ эритмаси билан титрлаш орқали; Р витамини-Вигоровга кўра; витаминлар В1, В2 - ГОСТ 25999 бўйича; каротин - ГОСТ 8756.22 бўйича; витамин РР - роданли бромид усули билан; минерал таркиби: К, Р - атом адсорбцион анализаторида, Са, Мг - комплексометрик, Fe - фотометрик; ГОСТ 8756.1 бўйича татиб кўриш орқали органолептик баҳолаш, узумнинг сақлашдан олдин ва сақлашдан кейинги физик, кимёвий ва органолептик сифат кўрсаткичлари Е.П Широков услуби бўйича, зарарли микроорганизмларни аниқлашда озиқа муҳитлар тайёрлаш, соф культураларни ажратиш М.А.Литвинов, В.И. Билайлар келтирган усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди, тажрибаларда олинган натижалар статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А.Доспехов (1985) услуби бўйича математик-статистик таҳлил қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор узумни совуткичли омборларда сақлашда ҳимоя қоғозлари ва қадоклаш воситаларини қўллашнинг сақланувчанлик хусусиятига таъсири аниқланган, сақлаш учун мўлжалланган хўраки узум ҳосилини аниқ терим муддатлари белгиланган, узум доналари таркибида сахароза миқдори 16% дан ошганда теримни бошлаш энг мақбул муддат эканлиги исботланган;

дастлабки совитиш босқичида жараёнга таъсир этувчи омиллар сифатида асосан 3 та: терим жараёнини ташкил қилишдаги ҳарорат (18°С гача), совук ҳаво оқими айланиши тезлиги (1,5-3м/с), ҳавонинг нисбий намлиги (90-92%) каби кўрсаткичлар эканлиги исботланган ва бу жараёнларни ташкил этиш механизми ишлаб чиқилган;

узумни сақлаш давомида ҳимоя воситаларини маҳсулотнинг кимёвий таркиби ва органолептик хусусиятларига таъсири аниқланган, ҳамда бу воситаларнинг сақлаш учун самарадор эканлиги исботланган

турли ҳимоя воситалари ёрдамида узумни сақлаш давомида микроорганизмлар ривожланишининг олдини олиш бўйича “Grapage” ҳимоя қоғози энг мақбули эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Узумни совиткичли омборларда сақлаш учун мўлжалланган ҳосили таркибидаги умумий қуруқ модданинг минимал миқдори 16% га етганда йиғим–терим жараёнларини ташкил этиш энг мақбул муддат эканлиги исботланган. Бунда Кишмиш нави 49 кун, Тоифи нави 90 кун ва Ҳусайни нави 48 кундан ортиқ сақланганда мақбул сифат даражалари сақланиб турган. Шунингдек, ҳимоя қоғозлари ва қадоклаш воситаларини қўллашнинг сақланувчанлик хусусиятига таъсири ўрганилган, ҳамда тадқиқ қилинган 7 турдаги ҳимоя қоғозлари ичида энг мақбули – “Grapage” ҳимоя воситаси эканлиги аниқланган.

узумни сақлашда дастлабки совитиш босқичида жараёнга таъсир этувчи омиллар ўрганилган, бунда асосий омиллар сифатида қадоқлаш восита тури, маҳсулотнинг териб олинган вақтдаги ички ҳарорати, сақлаш камерасидаги совитишга қўйилган маҳсулот ҳажми ва совитиш усули кабилар энг муҳим эканлиги исботланган. Узум донаси ҳарорати 18°C бўлганда (тонги вақтда), 7 кг яшиқларда дока тўшамаларда ҳамда “Grarage” воситасида қадоқланган, “Room cooling” усулида дастлабки совитилган жараён 16 соатни ташкил этган ва жараён оддий усулга қараганда 2-2,5 баробарга қисқариши маълум бўлган;

узумни сақлашда қадоқлаш воситасининг табиий камайиши миқдорига таъсири аниқланган. Бунда сақланувчанлик ёғоч яшиқларга полиэтилен тўшамаларда қадоқланган узум массаси пластмасса яшиқларга дока тўшамасида қадоқланганга қараганда 18%га кўп бўлиши аниқланган. Шунингдек, табиий камайиш даражаси ҳам 0,3 % га кам бўлиши ўз исботини топган;

узумни сақлашда ҳимоя воситаларининг маҳсулотнинг кимёвий таркиби ва органолептик хусусиятларига таъсири ўрганилиб, ҳимоя қоғозларини танлаш бўйича илмий хулосалар натижасида тавсиялар ишлаб чиқилган. “Grarage” ҳимоя қоғози ишлатилган ва 7 кг сиғимли яшиқларда жойланган узумнинг Тоифи 90 кун сақланганида умумий органолептик баҳоси 84 баллни ташкил этиб, энг яхши натижа қайд этилган, бошқа воситаларда эса узумнинг органолептик баҳоси сезиларли даражада пасайган ва биокимёвий таркибида ҳам салбий ўзгаришлар бўлиши ўзини илмий исботини топган;

турли ҳимоя воситалари ёрдамида узумни сақлаш давомида юзага келадиган микроорганизмлар ўрганилиб, мақбул ҳимоя воситаси танлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лаборатория ва совиткичли омборларда тажрибаларнинг ҳар йилги апробацияси ва бирламчи ҳужжатлар, илмий ҳисоботларнинг Тошкент давлат аграр университети илмий-техник кенгашида муҳокама қилинганлиги, тадқиқот натижаларига математик ишлов берилганлиги ва уларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, илмий тадқиқот натижаларининг халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикада етиштирилган катта ҳажмдаги хўраки узум навларини узоқ муддат совиткичли омборларда сақлаш учун терим муддатларини аниқлаш ва ташкил этиш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги, дастлабки совитиш жараёнини самарали ташкил этишга таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилгани, узоқ муддатли сақлашда маҳсулотнинг ранг, мазаси, сарҳиллиги каби муҳим сифат белгиларини сақлаб қолишда қадоқлаш тизимлари ва воситаларини аҳамияти илмий асосланганлиги, турли воситалар ёрдамида қадоқланган узум таркибидаги муҳим кимёвий элементларни сақлашдан сўнг ўзгариш даражаларини лаборатория таҳлиллари олиб борилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сақлаш даврида юзага келиши мумкин бўлган зарарли замбуруғларни микроскопик таҳлил этилиб

идентификация қилингани ҳамда уларнинг фаолиятини тўхтатишда самарали узум химоя қоғозларни танлаш механизмлари ишлаб чиқилганлиги, турли қадоқлаш тизимлари ва воситаларни узумнинг табиий камайиш даражасига таъсири аниқланганлиги, узоқ муддат сақлаш натижасида узумнинг кимёвий таркиби ва органолептик хусусиятларини ўзгариши тадқиқ қилиниб органолептик ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Узумнинг хўраки навларини совиткичли омборларда узоқ муддат сақлашни ташкил этишда турли химоя воситаларидан фойдаланиш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

узум етиштириш ва сақлашга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари учун “Узумнинг хўраки навларини совиткичли омборларда сақлашни ташкил этишда қадоқлаш воситаларидан самарали фойдаланиш” номли тавсиянома тасдиқланган. Натижада ушбу тавсиянома узумчиликка ихтисослашган хўжаликларда етиштирилган узум ҳосилини мақбул усулда сақлашни ташкил этишда қўлланма сифатида хизмат қилиш билан бир қаторда, ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган фермер, деҳқон хўжаликлари, агрокластерлар, илмий-тадқиқотчилар ҳамда таҳсил олаётган талабалар учун фойдали услубий восита сифатида хизмат қилмоқда;

Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги узумчиликка ихтисослашган “Дўланилик боғбон меваси” фермер хўжалигида 3,8 гектар ва хўжаликка тегишли 200 тонна сиғимли сақлаш омборида узоқ муддат сақлаш бўйича тажриба натижалари жорий этилди. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 05/032-5023 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида сақлаш давомида узумнинг сифатига бевосита таъсир ўтказувчи ҳарорат, намлик, ҳаво айланиши каби муҳит омилларини назорат қилиш натижасида (100 тонна узум ҳажмига нисбатан) совуқхонадан олинадиган даромад миқдори 90 000 000 сўмга, рентабеллик кўрсаткичи 80% га эришилди;

Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги “М.Бойматов” фермер фермер хўжалигида 7 гектар майдонда ва хўжаликларга тегишли жами 600 тонна сиғимли сақлаш омборида узоқ муддат сақлаш бўйича тажриба натижалари жорий этилди. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 05/032-5023 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида узоқ муддат давомида сақлаш учун узумнинг “Хусайни”, “Тойфи”, “Кишмиш” хўраки навларини терим муддатларини аниқлаш ва теримни ташкил этиш тамойилларини асослаш, турли қадоқлаш воситалари билан қадоқланган узум навларини дастлабки совитиш жараёнларини самарали ташкил этишга эришилди ва совуқхонадан олинадиган даромад миқдори 91 125 000 сўмга, рентабеллик кўрсаткичи 81% га эришилди;

Тошкент вилояти, Паркент туманидаги “Заркент универсал” фермер хўжалиги қошида ташкил этилган 1000 тонна сиғимли совиткичли омборда маҳсулотни табиий камайиш жараёнига таъсир кўрсатувчи муҳит омиллари тадқиқ қилиш билан боғлиқ тажриба натижалари жорий этилди. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 05/032-5023 сонли

маълумотномаси). Хўраки узум навларини сақлаш жараёнида қўлланилган химоя воситаларидан қоғозлари: “Grapage” “CULU” “Osku-Vid”, “Proteku”, “Gexian” “Himsa” ва синтифон, озиқ-овқат плёнкаси, салфетка, ҳамда МАП (Modified Atmosphere Packaging) сингари химоя воситаларидан фойдаланиш натижасида сақлаш муддатлари назоратга нисбатан сақланувчанликни ортиши билан бир қаторда юқори товарли хусусиятларини сақланиб қолишига имкон яратиши аниқланиши натижасида олинадиган даромад миқдори 92 812 000 сўмга, рентабеллик кўрсаткичи 82,5% ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, шу жумладан, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.


Диссертациянинг «Узумнинг хўраки навларини совуткичлик омборларда сақлашда дастлабки ишлов бериш ва қадоқлаш воситаларининг сақланувчанликка таъсири бўйича илмий манбалар шарҳи» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Бинобарин, сақлашга мўлжалланган хўраки узум навларининг терим муддатлари ва терим жараёнларини ташкил этиш, дунё амалиётида хўраки узумни қадоқлашда қўлланилаётган технологиялар, сақлаш омборларида узум меваларини сақлаш жараёнида учрайдиган касалликлар ва уларга қарши кураш усуллари ва технологиялари юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг «Тадқиқотни ўтказилган жойнинг тавсифи, объекти

**ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иклим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот мақсади, объекти ва услублари» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Узум навларини совиткичли омборларда сифатли сақлашга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш**» деб номланган учинчи бобида хўраки узум навларини совиткичли сақлаш омборларида сақлашни такомиллаштиришга қаратилган тажрибалар берилган. Жумладан, ушбу бобнинг «**Ҳарорат омили ва уни сақлашга кўрсатадиган таъсири**» деб номланган бўлимида узумни сақлаш жараёнида ҳарорат муҳим аҳамият касб этади. Тажрибалар олиб борилган Тоифи, Хусайни ва Кишмиш навларини сақлаганда ҳароратнинг сақлаш жараёнига тўғридан тўғри таъсир этиши исботланди.

Дастлабки тадқиқотлар сақлаш учун мўлжалланган хўраки узум ҳосилини узиш мавсумини белгилашга қаратилган эди. Тажрибалар республиканинг 3 та худуди – Тошкент вилоятининг Паркент туманида, Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида ва Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида олиб борилди. Бунда белгилаб олинган узум ҳосилини йиғишда айнан бир сана эмас, узумни етилиши фазаси бўйича тадқиқот олиб борилди. Бунда асосий параметр сифатида узум таркибидаги қанд миқдори асосий параметр сифатида белгилаб олинди. Чунки, таҳлил қилинган илмий манбалар ва олиб борилган тадқиқотлар натижалари бўйича таҳлиллар узумнинг таркиби мақбуллашган сари унинг таркибидаги қанд миқдори ошиб боришини кўрсатди.



**1-расм. Узум таркибидаги қанд миқдорининг сақланиш давомийлигига таъсири, кун (2018-2021 йй.) Тошкент вилояти, Паркент тумани**

Шу сабабли асосий кўрсаткич сифатида қанддорлик даражаси танланди. Тажриба учун узум таркибидаги қанд миқдори 12% га етганда сақлаш жараёнлари бўйича намуналар сақлаш учун қўйилди. Бунда узумнинг қанддорлик кўрсаткичи 14%, 15%, 16% ва 17% бўлгандаги намуналар сақлаш учун қўйилди. Бунда совуткичли омборхонада ҳарорат 0,5-1°C ва ҳавонинг нисбий намлиги 90-95% бўлгандаги шароитда олиб борилди.

Тажрибалар 2018-2021 йиллар давомида олиб борилди. Тошкент вилояти Паркент туманида олиб борилган тадқиқотлар бўйича олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, узумнинг Кишмиш нави сақлаганда қанд миқдори 12% бўлганда ўртача 11 кун, 14% бўлганда ўртача 15 кун, 15% бўлганда ўртача 32 кун, 16% бўлганда ўртача 49 кун, 17% бўлганда эса ўртача 60 кунгача сақланди.

Тоифи нави сақланганда қанд миқдори 12% бўлганда ўртача 17 кун, 14% бўлганда ўртача 21 кун, 15% бўлганда ўртача 34 кун, 16% бўлганда ўртача 90 кун, 17% бўлганда эса ўртача 116 кунгача сақланди.

Ҳусайни нави сақланганда эса қанд миқдори 12% бўлганда ўртача 9 кун, 14% бўлганда ўртача 14 кун, 15% бўлганда ўртача 21 кун, 16% бўлганда ўртача 48 кун, 17% бўлганда эса ўртача 73 кунгача сақланди.


Ушбу тажрибалар натижасида сақлаш учун узумнинг қанддорлик даражаси 16% ва ундан юқори бўлганда терим даврини ташкил этиш мақсадган мувофиқ деган хулосага келинди.

Паст ҳарорат муҳитида узум меваларининг нафас олиш жараёнлари ҳам секинлашиб унга сарф бўладиган энергияни ҳосил қилиш учун зарар бўладиган озуқа моддаларни парчаланмаслиги ва сув буғланишини олди олинади.

Ҳароратнинг кўтарилиши сақлаш давомида юзага келиб, узум сифатига жиддий зарар етказувчи *Botrytis cinerea*, *Penicillium*, *Alternaria spp*, *Cladosporium spp*, *Erysiphe* сингари замбуруғлар пайдо бўлиши ва фаоллигини ортишига сабаб бўлди.

Узоқ муддатли сақлаш давомида юзага келиши мумкин бўлган турли замбуруғлар фаолиятига тўсқинлик қиладиган ўзидан SO<sub>2</sub> гази ажратиб чиқарувчи узум химоя қоғозлари ҳам нисбатан юқори ҳарорат (3-4 ° C) ва нисбий намлик (98%) шароитида фаоллашади ҳамда хароартнинг муттасил ошиб бориши натижасида ажралиб чиқадиган SO<sub>2</sub> газининг миқдори кескин ортиши натижасида узум доналарининг (S) олтингургутдан зарарланиш “bleaching” юзага келишига ва таъм хусусиятларининг бутунлай салбий томонга ўзгаришига сабаб бўлди.

Илмий изланиш доирасидаги кейинги тадқиқотлар турли ҳудудларда етиштирилган хўраки узум навларини териб олиш, турли хил химоя воситалари ёрдамида идишларга қадоқлаш ва дастлабки совитиш жараёнларининг технологик параметрларига боғлиқлигини аниқлашдан иборат бўлиб, қуйидаги натижалар олинди.



**2-расм. Узумни сақлашда уни қадоқлаш усулини дастлабки совутиш жараёнининг давомийлигига таъсири (2018-2021 йй.)**

Бунда асосан сақлашдан олдинги ишлов бериш жараёнига асосий эътибор қаратилди. Қадоқлаш жараёни энг муҳим босқичлардан бири бўлиб, маҳсулотнинг сақланувчанлигига кескин таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Шунингдек дастлабки совутиш жараёни ҳозирда узумни сақлаш технологиясининг ажралмас бўлагига айланиб бўлди. Аммо бу жараённи ташкил этиш давомийлигига қадоқлаш усули таъсир этиши мумкин. Шу сабабли узумни сақлашга қўйишдан олдин уни қадоқлаш усулини тўғри танлаш энг муҳим омиллардир. Тажрибаларимизда пластик яшикларда дока билан ўралган ҳолда қадоқлаш ва ёғоч яшикларда полиэтилен плёнкалар билан ўралган ҳолда қадоқлаганда дастлабки совутиш жараёни давомийлигига таъсир этиш даражаси бўйича тажрибалар олиб борилди.

Бу жараён бўйича олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳақиқатдан ҳам қадоқлаш усули дастлабки совутиш жараёни давомийлигига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Дастлабки совутиш босқичи пластик яшикда дока билан ўралган ҳолатда қадоқланганда Тоифи навида 16 соат, Кишмиш навида 14 соат ва Хусайни навида эса 15 соат давом этди. Ёғоч яшикда полиэтилен плёнкаларга ўралган ҳолда қадоқланганда Тоифи навида 20 соат, Кишмиш навида 17 соат ва Хусайни навида эса 18 соат давом этди.

Диссертациянинг «Нисбий намлик омили ва унни сақлашга кўрсатадиган таъсири» деб номланган бўлимида узумни сақлаш давомида нисбий намликнинг узум кимёвий таркибига таъсири ҳар томонлама таҳил қилинган. Тажрибалар шуни кўрсатдики, узум узумни сақлаш жараёнида нисбий намлик жуда муҳим аҳамит касб этди.


Диссертациянинг «Хўраки узум навларини совиткичли омборларда сақлашда узум химоя қоғози ва воситаларини узумнинг технологик, органолептик, микробиологик ва биокимёвий хусусиятларига таъсирини тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобида узумни сақлаш жараёнида

қўлланиладиган узум химоя қоғозларини хусусиятлари ва улардан фойдаланишнинг мақбул усулини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилди.

Олиб борилган изланишлар натижасида қуйидагилар аниқ бўлди.

Узумни сақлаш давомийлиги химоя воситаси турига боғлиқлиги тажрибалар давомида тасдиқланди. Тажрибалар олиб борилган худудларда навлар кесимида сақлаш жараёни солиштирилди. Узум химоя қоғози маҳсулот устига қўйиб сақланганда, энг узоқ давомийлик кўрсатилди. Тажрибалар учун Grapage, Himsa, Proteku, OSKU-VID, Gule, Gexian каби қоғозлардан фойдаланилди. Бу воситалар ўзаро солиштирилганда энг яхши кўрсаткич Grapage да кузатилди. Шунингдек, мазкур химоя қоғози воситасида сақлаганда, узумдаги органолептик хусусиятларига салбий таъсир кузатилмади.

Кишмиш навини сақлаганда “Grapage” да 65 кун, “Himsa” да 63 кун, “Proteku” да 63 кун, “OSKU-VID” да 58 кун, “Gule” да 56 кун ва “Gexian” да 56 кун давомида узумнинг сифати ва товарбоплиги талаб даражасида бўлди.



**3-расм. Маҳсулот устига химоя қоғозини қўйиб сақлагандаги давомийлик, кун**

Тойфи навини сақлаганда “Grapage” да 118 кун, “Himsa” да 110 кун, “Proteku” да 105 кун, “OSKU-VID” да 107 кун, “Gule” да 106 кун ва “Gexian” да 105 кун давомида узумнинг сифати ва товарбоплиги талаб даражасида бўлди.

Ҳусайни навини сақлаганда “Grapage” да 75 кун, “Himsa” да 73 кун, “Proteku” да 72 кун, “OSKU-VID” да 68 кун, “Gule” да 65 кун ва “Gexian” да 64 кун давомида узумнинг сифати ва товарбоплиги талаб даражасида бўлди.

Шунингдек, узум химоя қоғозини жойлаштириш усули бўйича тажрибалар олиб бордик. Бунда химоя қоғозини маҳсулот тагида жойлаштириш усулини ҳам қўлладик ва қуйидагича натижа бўлди:

Кишмиш навини сақлаганда “Grapage” да 52 кун, “Himsa” да 50 кун, “Proteku” да 45 кун, “OSKU-VID” да 39 кун, “Gule” да 38 кун ва “Gexian” да 38 кун давомида узумнинг сифати ва товарбоплиги талаб даражасида бўлди.

Тойфи навини сақлаганда “Grapage” да 80 кун, “Himsa” да 78 кун, “Proteku” да 75 кун, “OSKU-VID” да 74 кун, “Gule” да 74 кун ва “Gexian” да 72 кун давомида узумнинг сифати ва товарбоплиги талаб даражасида бўлди.

Ҳусайни навини сақлаганда “Grapage” да 54 кун, “Himsa” да 50 кун, “Proteku” да 45 кун, “OSKU-VID” да 45 кун, “Gule” да 39 кун ва “Gexian” да 40 кун давомида узумнинг сифати ва товарбоплиги талаб даражасида бўлди.

Олиб борилган тажрибалар натижаси бўйича хулоса қилиш мумкинки, химоя қоғозлари маҳсулот тагида эмас, балки маҳсулот устига бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки, ушбу қоғозларда ҳосил бўладиган SO<sub>2</sub> ҳаводан оғир бўлиб, маҳсулотни химоясида тўлиқ иштирок эта олмайди.

«Узум химоя қоғозларининг турлари ва уларни сақлаш жараёнига таъсирни тадқиқ этиш» деб номланган бўлимида ишлаб чиқилган

### 1-жадвал

#### Узумни Тойфи навини сақлашда химоя қоғозларини таъсир қилиш даражаси (90 кун сақланганда, 2018-2021 йй.)

№	Яшиқлар сифими, кг	Химоя қоғози тури					
		Grapage	Himsa	Proteku	OSKU-VID	Gule	Gexian
<b>Органолептик хусусиятлари бўйича баҳоси, балл (1-100)</b>							
1	6	80	78	75	73	68	60
2	7	84	82	80	80	65	58
3	10	70	68	65	60	59	50
4	12	63	60	60	58	50	45
<b>Куйиш даражаси, балл (1-5)</b>							
1	6	II	II	II	II	I	I
2	7	I	I	II	I	I	I
3	10	I	I	I	I	I	I
4	12	I	I	I	I	I	I
<b>Қуриш даражаси, балл (1-5)</b>							
1	6	II	II	II	II	II	II
2	7	I	I	I	II	III	III
3	10	III	III	IV	IV	IV	IV
4	12	IV	IV	IV	IV	IV	IV

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, олтингугуртдан зарарланиш меъёрдан ортиқча миқдорда фаол модда (натрий метабисульфит)га эга бўлган химоя қоғозларидан фойдаланилганда, сақлаш жараёнидаги ҳарорат ва намлик омиллари тўғри назорат этилмаганда ҳамда айрим турдаги узум навларини сақлаш жараёнида табиий равишда юзага келиши мумкинлиги тадқиқотларимиз натижасида аниқланди.

Бундан ташқари, тадқиқотимизда Олтингугуртдан зарарланиш ёки “куйиш” ҳолатлари ҳам баҳолашнинг 1-дан 5 баллик даражасигача бўлган

мезони асосида, ихтиёрий танлаб олинган 10 та узум бошини таҳлил қилиш орқали аниқланди.

Тажрибалар узумни яшиқларга жойлаш миқдори ва сақланиш даврида узум ҳимоя қоғозининг маҳсулотни сифатли сақланишига таъсирини таҳлил этиш бўйича олиб борилди. Узум 6 кг, 7 кг, 10 ва 12 кг сиғимли яшиқларга жойланиб, 90 кун давомида 6 турдаги ҳимоя қоғозлари воситасида сақланганда органолептик хусусиятларини баҳолаб, сақлаш учун қадоқлашда энг мақбул сиғимли яшиқ аниқланди.

Бунда “Grapage” ҳимоя қоғози воситасида сақланган узум бошқаларига нисбатан энг юқори органолептик кўрсаткичларни намоён этди яъни 6 кг сиғимли яшиқда сақланган узум 80 балл, 7 кг сиғимли яшиқда сақланган узум 84 балл, 10 кг сиғимли яшиқда сақланган узум 70 балл, 12 кг сиғимли яшиқда сақланган узум 63 балл билан баҳоланди.

Шу билан бирга, турли сиғимли идишларда ва қадоқлаш қоғозлари воситасида 90 кун давомида сақланганда, узумдаги “куйиш” даражаси 6 кг идишда энг юқори даражаларини кўрсатди.

Ушбу тажрибанинг яна бир йўналиши, бу турли сиғимдаги яшиқларда қадоқланганда 90 кун муддатдан кейин, маҳсулотнинг қуриш даражаси тадқиқ этилди.

Бунда энг ёмон кўрсаткич 12 кг сиғимли қадоқда кўрсатилган бўлса, энг ижобий кўрсаткич 7 кг сиғимли идишда намоён бўлди. Айниқса, “Grapage”, “Himsa” ва “Proteku” ҳимоя қоғозларида ушбу кўрсаткич бўйича маҳсулот сифати умуман пасаймади.

Бундан келиб чиқадики, қадоқлаш учун энг мақбул яшиқ сиғими 7 кг эканлиги маълум бўлди.

## ХУЛОСА

1. Мева етилиш жараёнларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири мевалардан табиий равишда ажралиб чиқадиган этилен гази ҳисобланади. Этелен газининг таъсирида етилишни давом эттирадиган маҳсулотлар – клемактерий ва етилишни давом эттирмайдиган но-клемактерий гуруҳларга бўлинади. Узум иккинчи гуруҳга мансуб эканлиги маълум бўлди;

2. Узум таркибида сувда эрувчи қуруқ модда миқдори— қандлилиқ даражаси ҳамда рН кўрсаткичлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Адабиётларга кўра узум таркибида сувда эрийдиган шакар миқдори 16 % дан юқори бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

3. Узумни узок муддат давомида совиткичли омборхоналарда сифатли сақлаш ёки турли узокликдаги мамлакатларга қаттиқлиги, ранги, таъми, сарҳиллиги ва бошқа бир қатор сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда экспорт қилиш мақсадида узум ҳимоя қоғозларидан фойдаланиш энг самарали усуллардан ҳисобланади;

4. Узумни сақлашдан олдинги қадоқлаш усули тўғридан – тўғри дастлабки совитиш давомийлигига таъсир кўрсатади. Room cooling усулида дастлабки совитиш амалга оширилганда босқичи пластик яшиқда дока билан

ўралган ҳолатда қадоқланганда Тоифи навида 16 соат, Кишмиш навида 14 соат ва Ҳусайни навида эса 15 соат давом этди. Ёғоч яшиқда полиэтилен плёнкаларга ўралган ҳолда қадоқланганда Тоифи навида 20 соат, Кишмиш навида 17 соат ва Ҳусайни навида эса 18 соат давом этиши маълум бўлди;

5. Узум ҳимоя қоғози маҳсулот устига қўйиб сақланганда, энг узок давомийлик кўрсатилди. Тажрибалар учун Grape, Himsa, Proteku, OSKU-VID, Gule, Gexian каби қоғозлардан фойдаланилди. Бу воситалар ўзаро солиштирилганда энг яхши кўрсаткич Grape да кузатилди, яъни Кишмиш навида мансуб узум 65 кун, Тоифи навида мансуб узум 118, Ҳусайни навида мансуб узум нави эса 75 кун давомида сифатли сақланди;

6. Узумни сақлаш жараёнида ҳимоя қоғозлари маҳсулот тагида жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлди. Ўз навбатида узумни сақлаш давомийлиги қисқа бўлиб, энг юқори кўрсаткич намоён этган “Grape” ҳимоя қоғози воситасида Кишмиш навида мансуб узум 52 кун, Тоифи навида мансуб узум 80, Ҳусайни навида мансуб узум нави эса 54 кун сақланди;

7. “Grape” ҳимоя қоғози воситасида сақланган узум бошқаларига нисбатан энг юқори органолептик кўрсаткичларни намоён этди яъни 6 кг сифимли яшиқда сақланган узум 80 балл, 7 кг сифимли яшиқда сақланган узум 84 балл, 10 кг сифимли яшиқда сақланган узум 70 балл, 12 кг сифимли яшиқда сақланган узум 63 балл билан баҳоланди;

8. Узумни сақлашда қадоқлаш учун энг мақбул яшиқ сифими 7 кг эканлиги маълум бўлди. Ушбу сифимда 90 кун давомида сақланган Тоифи навида узум таҳлил қилинганда “куйиш” ва “қуриш” даражаси бўйича сифат кўрсаткичлари ўзгармасдан қолиши маълум бўлди.

9. Тажриба натижаларининг маълумотлари бўйича қуйидагилар ишлаб чиқаришга тавсия этилади:

- узумни хўраки навларини сақлаш учун терим даврини қандлилик даражаси 16% дан юқори бўлгандан кейин белгилаш мақсадга мувофиқ;

- узумни сақлаш учун “Grape” ҳимоя қоғозини танлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

- узумни сақлаш учун 7 кг сифимли яшиқларни қўллашни тавсия этамиз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**АБДУСАТТОРОВ БАХТИЁРЖОН АБДУҒАППОР УГЛИ**

**НАУЧНОЕ ОБОСНОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗАЩИТНЫХ  
СРЕДСТВ ПРИ ХРАНЕНИИ СТОЛОВЫХ СОРТОВ ВИНОГРАДА**

**06.01.11 – Хранение и переработка сельскохозяйственной продукции**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/Qx679.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Азизов Ақтам Шарипович</b> Доктор сельскохозяйственных наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Додаев Қўчқор Адилевич</b> Доктор технических наук, профессор <b>Умидов Шавкат Эргашевич</b> Доктор философии (PhD) сельскохозяйственных наук
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Научно-исследовательский институт садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.М.Мирзаева</b>

Защита диссертации состоится «06» декабря 2022 года. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.05/28.08.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60;. e-mail: [tgau@edu.uz](mailto:tgau@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано под номером 547110). (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43)

Автореферат диссертации разослан «22» ноября 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № 1 от «22» ноября 2022 года).

**Э.Т. Бердиев**

Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.с.х.н., профессор

**М.З. Холмуротов**

Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.ф.с.х.н., (PhD), доцент

**С.А. Юнусов**

Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.с.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время, когда выращивается по миру более 72 млн. тонн винограда, из них 26,5 млн. тонн являются столовым виноградом. В том числе, в 2021 году в Китае выращено 11,2 млн. тонн винограда, из них экспортировано 330 тыс. тонн, складировано на хранение 2,3 млн тонн, в Индии выращено 2,9 млн тонн, из них экспортировано 280 тыс. тонн, складировано на хранение 300 тыс. тонн, в Турции выращено 1,9 млн тонн, из них экспортировано 230,1 тыс. тонн, складировано на хранение 430 тыс. тонн.<sup>1</sup> А в Узбекистане 2021 году выращено 1,8 млн тонн винограда, из них экспортировано 175 тыс. тонн, складировано на хранение 378 тыс. тонн.<sup>2</sup> Не менее 18-20 % выращенного урожая теряется по причине неправильного осуществления процессов хранения. В связи с этим, считаются актуальными исследование и научное обоснование технологии хранения винограда.

В мире по хранению винограда существует множество разработок, которые в основном направлены на кратковременное хранение винограда. Особенно учеными Индии, США, Китая достигнут ряд достижений по хранению винограда различными способами хранения. В том числе, научно обоснован ряд способов хранения, как обработка винограда серным ангидридом, обработка озоновым газом в процессе хранения. В этих исследованиях как приоритетную задачу, намечают в основном качественное хранение винограда в течение 30-45 дней. В условиях Узбекистана качественное хранение винограда в течение 90-120 дней, вместе с этим эффективное использование упаковочных средств также являются важной задачей. Однако, научных исследований, проведенных в этом направлении, недостаточно. Особенно, хотя в производстве широко внедряется применение современных упаковочных средств при качественном осуществлении процесса хранения винограда, с научного аспекта оно мало изучено.

В нашей республике в последние годы уделяется особое внимание на коренное повышение объема производства и экспортного потенциала продовольственных продуктов. И в 30-цели III-главы Стратегии развития нового Узбекистана по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2022-2026гг., направленной на интенсивное развитие национальной экономики и обеспечение высоких темпов роста, немечены задачи повышения доходов дехкан и фермеров не менее чем в 2 раза путем интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе, довести ежегодный прирост сельского хозяйства не менее чем до 5 процентов, при этом как актуальная задача отмечается выращивание экспортной продукции и развитие плодоовощеводства, увеличение площади интенсивных садов в три раза и теплиц – в 2 раза, повышение экспортного потенциала еще на 1 млрд. долларов США”.<sup>3</sup> Осуществляя процесс хранения винограда с научным подходом,

<sup>1</sup> <https://www.statista.com/statistics/237600/world-grape-production-in-2021-by-region/>

<sup>2</sup> <https://yuz.uz/news/2021-yilda-qaysi-hududda-eng-kop-uzum-etishtirilgan>

<sup>3</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 “О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы” от 28 января 2022 года

повышение эффективности деятельности холодильных хозяйств является одним из важнейших процессов в обеспечении исполнения вышеуказанной задачи.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит осуществлению задач, намеченных в постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-20 “О мерах по развитию семейного предпринимательства в плодоовощеводстве и виноградарстве, увеличению доли дехканских хозяйств в сельскохозяйственном производстве” от 23 ноября 2021 года, ПП-5200 “О дополнительных мерах по внедрению кластерной системы в развитии виноградарства, государственной поддержке привлечения передовых технологий в данную сферу” от 28 июля 2021 года, ПП-4549 “О дополнительных мерах по дальнейшему развитию отрасли плодоовощеводства и виноградарства, созданию в отрасли цепочки добавленной стоимости” от 11 декабря 2019 года, а также в нормативно-правовых актах, относящихся к данной деятельности.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** В ряде стран мира широкое развитие получила научно-исследовательская работа по организации качественного хранения урожая винограда. В этом направлении К.Э. Нельсон, Ч.Х. Крисосто, Д.А. Гарнер, Ж.Л. Смиланик в США, М.Ю. Эльхади, А.Р. Домингес в Мексике, С.М. Ахмед в Бразилии, В.А. Басиналь в Турции, А.В. Гудковский в России, И.Р. Шаццо, А.Т. Лихтер в Израиле такими учеными они проводились научно-исследовательские работы по определению сроков сбора пищевых сортов винограда, предназначенных для хранения, научному обоснованию упаковочных систем и приспособлений, предварительного охлаждения и последовательности других технологических процессов холодной цепи.

